# 9 май—Ғалаба куни

## Эзгулик унутилмайди

БАЙРАМ АРАФАСИ. Тошкент шаҳар уруш ва меҳнат ветеранлари Совети жойлашган бино ҳар қачонгидан гавжум. Бу жойда кўкракларида жанговар орден ва медаллар ярақлаб турган уруш қатнашчилари, интернационалчи-жангчилар, маҳалла, корхоналардан юмуш билан келаётган кишиларни учратиш мумкин.

Ҳозиргина поёндоз тўшалган зина бўйлаб иккинчи қаватга оҳиста кўтарилган уруш қатнашчиларидан бирини суҳбатга тортдик.

— Куни кеча Керчь шаҳридан келдим, — деди у ўзини Фуад Мукминов деб таништирар экан. — Мен Улуғ Ватан уруши даврида 40-алоҳида разведкачилар авиация қисмида штурман бўлиб хизмат қилганман. Собиқ қуролдошлар ҳар баҳор Керчь шаҳрида тўпланиб, дийдор кўришамиз. Бу йил анъанавий учрашувга учинчи марта боришим. Йиғилганларга ўз хотираларим, серқуёш республикамиз ҳақида сўзлаб бердим. Қайтаётганимда эса тантана ташкилотчилари эсдалик совғалари, кўплаб фотосуратлар тақдим этишди.

Фуад Галимович Тошкент халқ хўжалиги институтида доцент бўлиб ишлаяпти, иқтисод фанлари кандидати. Шаҳарда унга ўхшаш жонкуяр, пенсияда бўлишига қарамай жамиятимизга нафи тегаётган ветеранларимиз талайгина.

Ветеранлар Совети ходимаси ҳозиргина почта орқали келган телеграммалар, откриткаларни қабул қилиб олди. Улар орасида «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон ССР Давлат Агросаноат комитети ва бошқа корхона, ташкилотлардан келган байрам табриклари бор эди. Дилда қувонч ва ифтихор туйғуси билан раис ҳузурига кирдик.

— Ветеранлар доимий эътиборда, — деди Тошкент шаҳар уруш ва меҳнат ветеранлари Совети раиси, истеъфодаги генерал-лейтенант С. Охунжонов мамнун саломлашар экан. — Байрам кайфиятини бузмайлик-ку, очиғи баъзан кишини ранжитадиган воқеалар ҳам учраб туради. Ҳозиргина «Красная Звезда» газетасини кўздан кечираётган эдим. 1-Ўзбекистон интернационалчи-жангчилари йиғилишининг бир гуруҳ қатнашчилари Афғонистонда ҳалок бўлган қуролдошлари номини абадийлаштириш қийин бўлаётгани ҳақида ёзишган. Ҳақиқатдан ҳам, баъзи жойларда бу масалага етарли эътибор берилмаяпти. Ҳатто Ғалаба байрамини тантанали нишонламай, қуруқ сўз билан ўтказишга уринаётган раҳбарлар бор. Умуман эса шаҳримизда ғалаба эсланадиган тонг ўзгача бўлади.

Байрамолди учрашувлари авж олиб кетди. Уруш қатнашчилари, Афғонистонда бўлган йигитлар ва Совет Қуролли Кучлари ветеранлари корхона, ташкилот ва муассасаларга ташриф буюрдилар. Ленин, Куйбишев, Октябрь район партия комитетлари ва бошқа жойларда қабул уюштирилиб, суҳбатлар ташкил этилди.

Эзгулик ҳеч қачон унутилмайди. Шаҳримиздаги 34 минг уруш ветерани ва 4 минг нафардан зиёд интернационалчи-жангчиларга катта ғамхўрликлар кўрсатилмоқда. Уларни ўз вақтида турар жой, телефон, озиқ-овқатлар билан таъминлаш ва маънавий рағбатлантириш ветеранлар Советининг эътиборида. Улуғ Ватан уруши инвалидларининг Тошкент госпиталида эса намунали медицина хизмати кўрсатиш учун барча шароитлар муҳайё этилган.

С. ШОДИЕВ.

## Қуролдошлар дийдор кўришганда



Туркистон ҳарбий округи музейига собиқ қуролдошлар ташриф буюришди. Улар орасида 2 ва 3-зарбдор армия, 1-гвардиячи танкчилар армияси, уруш бошланганда Тошкентдан фронтга йўл олган 35-ўқчи дивизия жангчилари ҳам бор эди.

Тантанада Совет Иттифоқи Қаҳрамони, генерал П. Ф. Шевелев, Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. Х. Ҳакимовлар йиғилганларни Ғалаба куни билан табриклашди. Шундан сўнг ветеранлар группаларга бўлиниб, жанговар йиллар, шунингдек ўз ишлари ҳақида қизғин суҳбатлашдилар.

Собиқ разведкачи Р. Нуруллаев уруш пайтида душман томондаги кураш ҳақида, ҳозирда турли жойлардаги қуролдошлари билан алоқа қилаётгани тўғрисида гапириб берди. У жанговар хизматлари эвазига орден ва медаллар билан тақдирланган. 2386-ҳарбий госпитал врачи М. Умархўжаева, 430-зенит дивизиони жангчиси А. Қаландаровалар ҳам фронт хотираларини ёдга олишди.

Қуролдошлар «Ғолиб жангчилар» ёдгорлиги олдида бир минут сукут сақладилар.

В. ТИТОВ.
Г. ГИЧ.

СУРАТДА; йиғилиш иштирокчилари.

## Она армони

Кўзингизда шашқатордир маржон-маржон ёшингиз,
Мангу олов пойидасиз, хам қилибсиз бошингиз.
Нолангиздан титрамоқда қутлуғ замин кенг жаҳон.
Ҳамдард бўлай, сўйлаб беринг уни менга онажон.
— Бир бошимга кўп қайғулар солиб кетди бу уруш.
Бир эмас оҳ, икки ўғлим олиб кетди бу уруш.
Икки шердек ўғлим кетиб, наҳот бири қайтмаса,
Наҳот қора хатдан бўлак бирор хабар айтмаса?!...
Қора хати гул умримни қаро қилиб куйдирди,
Армонларим ўлим бермас, лекин жондан тўйдирди.
Энди ёр-ёр эшитсам мен юрак-бағрим хун бўлар.

Қачон менинг уйимга ҳам келин келар кун бўлар.
Мен ҳам ахир набирамга қучоғим очсам девдим,
Тўйларида қувнаб-қувнаб сочқилар сочсам девдим...
Армонларим ушалмади, сароб бўлиб қолди-ку,
Қариганда ҳолим мени хароб бўлиб қолди-ку.
Бир бошимга кўп қайғулар солиб кетди бу уруш,
Бир эмас оҳ, икки ўғлим олиб кетди бу уруш.
Қирқ йил кутдим, юз йил кутай, ҳеч кутишдан қолмасман,
Ўғилларим келар мени, мен кутишдан толмасман.

Маҳмуд ТОИРОВ.

Сўнмас у кунлар шуҳрати

## Қўмондон эътирофи



...Бўлинма командири Каримжон бошлиқ 15 жангчига қисм белгиланган маррага чиқиб олгунча душман билан жанг қилиб туришга буйруқ берди. Орада шиддатли жанг борди. Бу қонли тўқнашувда қирқдан ортиқ душман қириб ташланди. Олти киши асир олинди. Омон қолган 11 жангчи Виборг яқинидаги катта кўприк томон зўр-базўр етиб келди. Чунки қисмнинг асосий кучи шу ерда тўпланган эди.

Вазият ўта оғир. Қисм ҳар томондан қуршаб олинган эди. Қандай бўлмасин қуршовдан чиқиб олиш керак. Акс ҳолда ҳаммаси барбод бўлади. Шу ниятда жангчилар сўқмоқ йўл бўйлаб юра бошлашди. Ниҳоят бир томон тошлоқ, иккинчи томони эса ўрмон ва ботқоқликдан иборат бўлган майдонга чиқилди.

Иш янада мушкуллашган эди. Ҳамманинг ҳаёти хавф остида қолди. Дивизия командири Шумарин бир группа жангчиларга барча ҳужжатлар ва Қизил байроқни ёпиқ машинада Ленинград атрофидаги Пустош қишлоғига олиб келишни топширди. Улар орасида Каримжон ҳам бор эди.

**Карим Қосимов ҳикоясидан:** Тун қоронғу бўлишига қарамай, аскарларимиз сафсаф бўлиб, ботқоқликдан ўта бошлади. Душман самолётлари пулемётлардан ўт очди. Тонг отишга яқин пистирмага дуч келдик. Отишма бошланиб кетди. Бу олишувда солдатларимизнинг қўли баланд келди. Душманнинг бир пулемёт ва бир неча яшчик ўқларини ўлжа олдик. Шу аҳволда эртаси куни Пустош қишлоғига етиб келдик. Бу ерда 1941 йилнинг август ойигача турдик. Сўнгра қўмондонликнинг буйруғи билан Нева — Дубровкаси қишлоғига йўл олдик. Дарёнинг нариги бетида жойлашган бу қишлоқ душман бомбардимони натижасида деярли вайрон бўлганди. Унга жангчиларимиз «Пятачок» деб ном беришди. Қишлоқнинг ўнг томонида Арбузово райони, чап томонида 8-ГЭС жойлашганди. Қишлоққа жойлашиб олган кунимизоқ Арбузовода турган гитлерчилар бизга қарата миномёт ва артиллериядан ўқ ёғдира бошлашди. Душманнинг ўт очиш нуқталарининг турган жойини ва кучларини аниқлаш мақсадида қоғоз комбинати трубасини кузатиш пункти қилдик. Кузатув натижаларини артиллериячиларимизга хабар қилиб турдик. Отишма тўхтовсиз давом этарди. Нева дарёсининг нариги соҳилига ўтиш учун Дубровкадан ўндан ошиқ траншея кавланган эди. Қисмимиз кечаси Нева дарёсидан ўта бошлади. Артиллериячиларимиз ёритувчи ракеталар нурини йўқотиш мақсадида снарядлардан муттасил ўқ ёғдириб турди. Вазифа аниқ бажарилди. Солдатларимиз омон-эсон белгиланган манзилга етиб олдилар.

...Ленинград қамалда қолди. Машаққатли кунлар бошланди. Очлик вабо сингари одамлар жонига хавф сола бошлади. Шаҳарга озиқ-овқат келтиришнинг иложи йўқ эди. Бирдан-бир йўл Ладога кўлининг музлашини кутиш ва мана шу йўл орқали Катта ер билан алоқа боғлаш эди. Бироқ ўчакишгандек кўл музламас эди.

Ўн ёшга кирган Татьяна Савичеванинг машҳур кундалик дафтари ўша кунлар даҳшатини аён қилади:

«1941 йил 28 декабрь эрталаб соат 12 дан 30 минут ўтганда Женя ўлди».

«1942 йил 25 январь куни соат учда бувим ўлди».

«1942 йил 13 апрелда Вася тоғам ўлди».

«1942 йил 13 май эрталаб соат 7 дан 30 минут ўтганда ойим ўлдилар. Ойижон мени нега ёлғиз ташлаб кетдиз».

«Ҳамма ўлди. Бир ўзим ёлғиз қолдим. Бирам қўрқаяпманки...».

Ниҳоят, 22 ноябрь тонготарида бирин-кетин машиналар маълум оралиқдаги муз устидан шаҳарга кириб келишди. Улар 33 тонна озиқ-овқат келтиришди. Шофёрлар, йўл кўрсатувчилар, ремонтчи ва алоқачилар астойдил ишга киришиб кетишди. Улар истаган пайтда довул ва совуқда машиналар ҳаракатини моҳирлик билан бошқаришди.

Ладога кўли орқали ўрнатилган бу қишки йўл ёки халқ таъбири билан айтганда, «ҳаёт йўли» кун сайин жонланиб борар, машиналар тўхтовсиз икки томонга қатнаб турарди. Фашист қўшинлари транспорт ҳаракатини бомбардимон қилар, бироқ уни тўла яксон қилишнинг уддасидан чиқолмасди.

**Карим Қосимов ҳикоясидан:** Посадников оролида жойлашиб олган душманни кузатиб туриш менинг бўлинмамга топширилган эди. Кузатиш натижаларида тўлиқ маълумотларни қўмондонликка хабар қилиб турдик. Ана шундай кунларнинг бирида 54-армия қўмондони Совет Иттифоқи маршали Тимошенко бизнинг кузатиш пунктимизга келди. Унга барча воқеаларни рўй-рост айтиб бердик. Қўмондонликнинг буйруғи билан қисмимиз душманга қарши ўт очишга киришди. Натижада бир эшелонга юк ортиб турган немисларни қириб ташладик.

Биз учун энг унутилмас кун 1943 йилнинг 18 январь куни бўлди. Шу унутилмас кунда Ленинград фронти қўшинлари қуршовни мардона ёриб ўтдилар ва Волхов фронти қўшинлари билан қўшилдилар. Қисмимиз душманни Калинин областига, ундан Болтиқ денгизига қадар қувиб борди. Латвияни фашист босқинчиларидан озод қилиш учун бўлган жангларнинг бирида ярадор бўлдим. Кейин мени Вологда шаҳридаги ҳарбий госпиталга жўнатишди. 1945 йилнинг 18 январида тузалиб, ўзим хизмат қилган 115-ўқчи дивизияга қайтиб келдим. Полковник Алексеевнинг топшириғи билан 1945 йилнинг 19 январь куни Неман дарёсидан ўтиб душман истеҳкомларини разведка қилдик. Ҳужум жанглари тўхтовсиз давом этарди. Ниҳоят Хель ярим оролига етиб бориб, 80 мингдан ортиқ гитлерчини ўраб олдик. Тез орада ҳаммаёқда совет қўшинлари ғалаба қозонгани, уруш тугагани ҳақидаги хушхабар тарқалди.

Ғалабанинг 44 йиллиги нишонланаётган бугунги кунларда 70 ёшли Карим Қосимовнинг қалбида бир олам қувонч. Мана бир неча кундирки, уни табрикловчиларнинг кети узилмайди. Дастлаб фарзандлари Дилбар, Ғайрат, Тоҳир, Дилдоралар, келин ва куёвлари табриклашди, дўстлари, ветеранлар табриклашяпти. Набираларини айтмайсизми, «буважон, уруш воқеаларидан ҳикоя қилиб беринг», деб жон-ҳолига қўйишмайди.

Карим ака тураверибb, саҳифалари сарғайиб кетган бир неча газета ва журналларни кўрсатди. Уларда юбилей тантанасига бағишланган мақолалар эълон қилинган, ушбу лавҳа, очеркларда Ленинград уруши қаҳрамонлари қаторида Карим Қосимовнинг номи ҳам алоҳида тилга олинарди. Шу ўринда Нева оператив группасининг қўмондони, истеъфодаги генерал-майор В. Ф. Коньковнинг эсдаликларидан бир лавҳа келтиришни лозим топдик.

«Меньков батальонида Карим Қосимов номли баҳодир йигит бор эди. У душманнинг икки танки, ўнлаб транспортёрлари, юзлаб солдатларини қириб ташлаган эди. Жангда ярадор бўлишига қарамай, отишмани тўхтатмади. Иккинчи марта ўқ текканида ҳам уни жанг майдонидан аранг олиб чиқдилар. Бу мард жангчининг матонати тилларда достон бўлганди».

Ленинград халқ лашкари аъзоси, Ленинград фронти ветеранлари Советининг аъзоси, Тошкентдаги Ленинград ва Волхов фронтлари секциясининг бошлиғи, биринчи даражали «Ватан уруши» ва «Қизил Юлдуз» орденларининг кавалери, шахсий пенсионер Карим Қосимов шундан кейин ҳам бир неча бор Ленинградда бўлди. У ҳар сафар бу шаҳарга келганида машъум уруш туфайли бевақт оламдан кўз юмган қуролдош дўстлари ёдгорлиги пойига гулчамбарлар қўяди. Улар хотирасини ёд этиб кўзига ёш олади.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

Халқаро Қизил Крест ҳаракатининг 125 йиллигига

## Меҳригиё жамият

Ҳаётда хилма-хил, кутилмаган ҳодисалар учраб туради. Автомобиль фалокати, маиший жароҳат туфайли кўплаб қон йўқотган ва касалхонага келтирилган одамни кўз олдингизга келтиринг: унга шу пайт қон зарур бўлиб қолди — донор қони! Беғараз донорликни ташвиқ қилишни ташкил этиш эса Қизил Крест ҳаракатининг бош вазифаларидан бири ҳисобланади.

...1864 йилнинг август ойида Швейцария федерал кенгаши дипломатик конференция чақирди, унда беморларнинг қисматини яхшилаш тўғрисидаги Женева конвенцияси имзоланди. Инсоният тарихида биринчи марта миллатидан қатъий назар «ярадорлар қисматини енгиллаштириш учун умумий, доимий, мажбурий қоидалар» жорий этилди. Кейинчалик Женева конвенциясига имзо чеккан давлатлар сони кескин ошганидан сўнг бир қатор давлатларнинг илтимосига кўра рамзий белги сифатида Қизил Яримойни киритдилар ва жамият Қизил Крест ва Қизил Яримой жамияти деб юритила бошланди. Бугунги кунда Қизил Крест ва Қизил Яримой жамияти Лигасида 125 дан зиёд миллий жамиятлар мавжуд...

Бугина эмас, табиат стихияси туфайли озор чеккан юзлаб, минглаб жабрланганларга бутун мамлакат ёрдамга келган пайтларни бир эсланг-а! Бунда ҳам биринчилар қаторида Совет Қизил Крести ҳозиржавоблик қилади. Масалан, Чернобиль фожиасининг дастлабки кунларида жабрланганларга ёрдам кўрсатиш учун Украинага, Белоруссияга, Молдавияга моддий ёрдам берилди. Грузия, Тошкент, Наманган, Фарғона, Бухоро областларининг табиий офатдан зарарланган районларида жабрланганлар ҳам Қизил Крест ёрдамини, ҳали-ҳали миннатдорлик билан эслайдилар.

Ёки яна бошқа бир мисолни олиб кўрайлик. Тошкент шаҳрининг ўзидагина 1,5 мингдан зиёд ёлғиз кишилар истиқомат қилишаркан. Бунда ҳам Қизил Яримой жамияти ҳар куни уларга ёрдам тариқасида 40 нафар медицина ҳамширасини юбориб туради, социал-таъминот органлари вакиллари билан уларга ҳаётда мададкор бўлади.

Бугунги кунда меҳригиё жамиятнинг куч-ғайратлари Афғонистонда ўз интернационал бурчини ўтаган совет ҳарбий асирларини қидириб топиш ва қайтариб олиб келишга ҳам қаратилган. Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлганларнинг қабрларини қидириб топиш, гражданларни бир-бирига ҳамдард қилиш ҳам Қизил Крест фаолиятига киради.

— Ўзбекистон ССР Қизил Яримой жамиятининг Тошкент шаҳар комитети халқаро Қизил Крест ҳаракатида актив иштирок этмоқда, — дейди комитет раиси А. Басовский. — Санитария активини тайёрлашнинг янги шакллари жорий этилди, жамият фаолиятининг ҳамма томонлари янада аниқроқ режалаштириладиган бўлиб қолди...

Шаҳар комитети инвалидлар учун футбол федерацияси ташкил этиш ташаббускорларидан бири бўлди. Соғлиқни сақлаш, социал таъминот, халқ маорифи органлари, уруш ва меҳнат ветеранлари шаҳар совети, запасдаги ҳарбий жангчилар совети, ҳушёрлик учун кураш жамияти билан алоқалар кенгайтирилди. Касалликнинг олдини олиш ва камайтириш, ҳар йили аҳолини диспансерлаштириш, меҳнаткашларни гигиеник тарбиялаш учун соғлиқни сақлаш органларига ёрдам кўрсатишда санитария активини тайёрлаш ва фойдаланиш бўйича ишлар давом эттирилди. Ҳозир Қизил Яримой жамияти Тошкент шаҳар комитетининг 12 район ташкилоти 935 мингдан кўпроқ кишини бирлаштирган.

Шаҳарда раҳм-шафқат хизмати кенгайиб бормоқда. Бу ишга жалб қилинган медицина ҳамширалари сони ҳозир 49 нафарга етди. Келгусида улар сони икки баравар кўпаяди. Улар 533 нафар кишига, шундан 122 Улуғ Ватан уруши инвалиди ва қатнашчиси, 16 интернационалчи-жангчига кўмакдош бўлмоқдалар. Уларга ҳамширалар Совети фаол ёрдам бермоқда.

Ҳ. ИКРОМОВ.



Владимир Цойга қандай топшириқ берилмасин, ҳамиша сидқидилдан бажаришга интилади. Шу сабабли ҳам у САИГИМС коллективи ўртасида муносиб обрў қозонган. Бу илмий ходим доимо изланувчанлиги, олға интилиши билан ажралиб туради.

Т. Каримов фотоси.

Дунё харитаси олдида

## ОСИЁ ТИНЧЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

СЎНГГИ вақтларда халқаро муносабатларда, шу жумладан Осиёда ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Бу маълум даражада вақти келиб эскича, қарама-қаршилик тафаккурининг ўрнини тўла босишга даъват этилган янгича сиёсий тафаккурнинг оқибатидир. Совет ҳукуматининг фикрига кўра, мазкур тафаккур дунё миқёсида оммавий кўлам касб этиши, ҳар бир муайян вазиятда ер юзидаги энг муқаддас тушунчалар — тинчлик ва хавфсизлик йўлида халқлар ва мамлакатларни ҳамкорликка, тотувликка, биргаликда ҳаракат қилишга бошловчи бирдан-бир йўл сифатида ўзини намоён этиши лозим.

Афғонистон теварагидаги воқеаларни бартараф этишга доир Женева битимлари, манфаатдор мамлакатларнинг Кампучия, Никарагуа, Африканинг жануби муаммолари бўйича фикр алмашуви, Ғарб билан Шарқ ўртасидаги, энг аввало СССР—АҚШ ўртасидаги мулоқотнинг жонланганлиги, социалистик ҳамда капиталистик мамлакатлар иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорлигининг янги йўлларини излаш — халқаро муносабатлардаги янгича сиёсий тафаккурнинг дастлабки самаралари ана шулардир. У халқаро ҳаётнинг катта йўлидан узоқ вақт бамисоли четда қолиб келган Осиё—Тинч океани регионида ҳам ўзига йўл очмоқда.

М. С. Горбачев ўзининг 1986 йил июнида Владивостокда сўзлаган нутқида, сўнгра Индонезиянинг «Мердека» газетасига жавобларида мамлакатимизнинг регион муаммоларига ёндашувини баён этди. Ядро қуролларидан ҳоли ва зўравонликсиз дунё принциплари тўғрисидаги тарихий Деҳли декларациясининг Осиёда туғилганлиги ҳам чуқур рамзий маънога эга. Совет Иттифоқи ўртача ва камроқ олисликдаги ракеталарини тугатиш тўғрисидаги Шартномани тузишда ҳам Осиёнинг манфаатларини ҳисобга олди. СССР бундан илгарироқ Раротонга шартномасига қўшилди. Ана шу шартномага мувофиқ Тинч океанининг жанубий қисмидаги давлатлар ўз регионларини ядросиз зона, деб эълон қилганлар.

Осиёга бугунги кунда қандай жиҳатлар хос? Қитъа халқларида фаол сиёсий ҳаётга қизиқиш, фан-техника тараққиётининг, иқтисодий мустақилликнинг олдинги марраларига, тинчликни сақлаб қолишга интилиш кузатилмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти саноат тараққиёти бўйича ташкилотининг маълумотларига кўра 1987 йилда саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми Ғарбий Европада 2,6 фоизга, Африкада 3,4 фоизга, Лотин Америкасида 4 фоизга ошган. Осиёда эса бу кўрсаткич 5,5 фоизга етган. 70-йилларнинг ўрталаридан бери Осиё-Тинч океани регионининг жаҳон савдо-сотиғидаги ҳиссаси икки баравар кўпайди, ваҳоланки ўн йил муқаддам Тинч океани орқали Атлантика океанига нисбатан кўпроқ товарлар ташилар эди. Албатта, айрим мамлакатларни Япония билан, иқтисодий ислоҳот шароитида Хитойнинг ривожланиш динамикаси билан, саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми бўйича жаҳоннинг дастлабки ўн давлати қаторига кирган Ҳиндистон билан таққослаб бўлмайди. Бу ерда АСЕАН-нинг аксарият қатнашчилари каби ниҳоятда қашшоқ мамлакатлар ҳам, қарздор мамлакатлар ҳам бор. Умуман олганда, мазкур регионда Ер юзи аҳолисининг аксарияти истиқомат қилади. Филиппин, Покистон, Бангладеш каби бир-биридан фарқ қилувчи мамлакатларда майдонга «ўрта қатлам»гина эмас, кенг халқ оммаси ҳам чиқаётганлиги диққатга сазовор. Бу объектив равишда маҳаллий реакцияга қарши қаратилган ҳаётнинг ижтимоий-сиёсий демократиялаш жараёни кетаётганидан далолат беради. Бу жараён иккинчи томондан маҳаллий реакциянинг иттифоқчиларига, энг аввало АҚШга ҳам қарши қаратилгандир. Шу муносабат билан Америка матбуоти халқ оммаси назарида «Осиёда АҚШ зулмни қўллаб-қувватлаш билан фикран боғланаётганлигини» ташвишланиб ёзаётгани ҳам, «Нью-Йорк таймс» газетаси эса бунда «Америка тарихи фожиаларидан бирини» кўраётганлиги ҳам тасодифий ҳол эмас. Албатта, АҚШнинг иқтисодий қисуви, унинг Туркия, Жанубий Корея, Филиппинда ҳарбий ҳозирлиги, ядровий қурол билан қуролланган 7-флотнинг Осиёнинг Тинч ва Ҳинд океани соҳиллари яқинида кезиб юриши, регион мамлакатларининг ички ишларига мунтазам равишда сиёсий аралашуви янгича тафаккур уйғониб келаётган Осиёда шавқ-завққа сабаб бўлмайди. Ҳанузгача инсонлар қалбида дард-алам уйғотувчи Хиросима ва Нагасаки-чи?! АҚШнинг регион халқларига қанчадан-қанча қайғу-алам, ғам-ташвиш келтирган Кореядаги ва Вьетнамдаги авантюралари-чи?!

Ахир уларни унутиш, кечириш мумкинми? Шунинг учун ҳам Осиё халқларининг ядровий қуролларга қарши, Америкага қарши кайфиятини шунчаки хаёлий илдизга эга деб бўлмайди. Тинч океанининг жанубий зонаси, Японияннинг кўпгина шаҳар ва қишлоқлари, Филиппиннинг пойтахти—Манила ядросиз зона, деб эълон қилинган. Француз мустамлакачилари бошлаб берган, америкалик босқинчилар давом эттирган уруш аланғаси ўттиз йил ўчмаган Жануби-шарқий Осиёни ядросиз зона ёки тинчлик, бетарафлик, ҳамкорлик зонаси деб эълон қилиш ҳақида АСЕАН қатнашчилари ва Ҳиндихитой мамлакатлари ўртасида музокаралар олиб борилмоқда.

Регионнинг қитъадаги ижобий ўзгаришларга фаол ҳисса қўшаётган социалистик мамлакатлари Осиё халқлари ҳамкорлигини янада ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Улар бу ерда озод бўлган давлатлар ривожланишининг янги мустамлакачилик моҳиятини сақлаб қолишга, уларни бизга ва бошқа социалистик давлатларга «Шарқдан туриб хавф солиш» учун ўзига хос плацдармга айлантиришга уринаётган империализм кирдикорларини фош этиб ташлаш учун ҳамма нарсаларни қилишаяпти. Осиё халқлари буни тобора яққолроқ, яхшироқ тушуниб боришаяпти. Улар АҚШ билан Японияннинг бу ерда «Тинч океани ҳамжамияти» ниқоби остида ўз қобиғига ўралиб қолган гуруҳни ташкил этиш йўлидаги уринишларини Тинч океани ҳавзасининг барча мамлакатлари учун очиқ бўлган, ана шу давлатлар ҳар бирининг манфаатлари ҳисобга олинадиган ҳамкорлик системасини ташкил этиш ҳақидаги Совет Иттифоқининг таклифи билан таққосламоқдалар. Ана шундай тенг-ҳуқуқли, ўзаро манфаатли ҳамкорликка Деҳли декларацияси билан мустаҳкамланган СССР билан Ҳиндистон намунаси ёрқин мисол бўла олади. Шуни таъкидлаш керакки, Осиё халқлари, бутун инсоният Совет—Хитой муносабатларининг яхшиланиб бораётганлигини мамнуният билан кузатиб бормоқда. М. С. Горбачевнинг Пекинга бўлажак сафаридан ва унинг Хитой раҳбарлари билан олиб бораидиган музокараларидан кўп нарсаларни кутмоқда. Бизнинг Осиё—Тинч океани регионидаги ташаббусларимизни белгиловчи демократия, изчиллик, ошкоралик халқларнинг тобора кўпроқ ишончини қозонмоқда, бу ташаббусларнинг тарафдорлари кўпайиб бораяпти. Ҳаёт сиёсатдаги доно муросасозлик хатарли қарама-қаршиликка нисбатан самаралироқ эканлигини тасдиқламоқда. Замонамизнинг ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам диний-этник туб қарама-қаршиликлари мужассам бўлган қитъа ҳозирда янгича сиёсий тафаккур асосида янги, ҳар томонлама мақбул халқаро хавфсизлик системасини вужудга келтириш учун инсоният ақл-заковати дурдоналарини — тинч-тотув яшашнинг марксча-ленинча ғояларини, зўравонликни инкор этувчи Ганди принципларини, умуминсониятнинг планетамизни ядро хавфидан асраб қолишга бўлган хоҳиш-иродасини ўзига қабул қилиб олиши мумкин.

Ш. ҲАСАНОВ.

